

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ВЕТЕРИНАРИЯ ОРГАНЛАРИ
ТОМОНИДАН НАЗОРАТ
ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази

Тошкент – 2024

Ветеринария органлари томонидан назорат тадбирларини ўтказиш тартиби бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 29 б.

Мазкур услубий қўлланмада ветеринария назорати бўйича тадбирлар ўтказиш, шунингдек давлат назорати остидаги товарларни экспорт, импорт ҳамда транзит ўтказиш учун рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни бериш тартиби, давлат ветеринария назоратини ўтказувчи ваколатли органлар вазифалари баён этилган.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Ветеринария органлари томонидан назорат тадбирларини ўтказишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари	5
Асосий тушунчалар	6
Умумий қоидалар	8
Ветеринария назорат тадбирларини ўтказиш бўйича ваколатли органлар	11
Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти, импорти ва транзити учун рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини беришда назорат	14
Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бериш	16
Назоратдаги товарларнинг жисмоний шахсларнинг қўл ва багаж юклари, почта жўнатмалари орқали олиб киришда давлат ветеринария назоратини амалга ошириш тартиби	21
Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида ветеринария назоратидан ўтказиш	22
Иловалар	25

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси динамик ҳолда ривожланиб бораётган мураккаб иқтисодий тизимга эга бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи сифатида сақланиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон халқларининг энг қадимдан шуғулланган асосий соҳаларидан бири бўлиб, бир неча минг йилликлардан аста-секин ривож топиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва қадимги тармоғи сифатида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хомашёнинг асосий қисмини етказиб беради. Бугунги кунда мамлакат енгил ва тўқимачилик саноатида ишлатилаётган толанинг 60% дан ортиқроғи ўзимизда ишлаб чиқарилган пахта толасидир. Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни кейинги йилларда кескин ошиб бормоқда.

Турли касалликларнинг олдини олишда, ҳайвон ва паррандаларни сўйишда, маҳсулотларни ташишда, ҳайвонлар, ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар ва хом ашёни экспорт-импорт ва улар билан савдо қилишда ветеринария назорати ғоят катта аҳамиятга эга. Назорат тадбирлари аҳолини юқадиган касалликлардан асраш, ҳайвонлар ўртасида юқумли касаллик пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказилади.

Ушбу қўлланмада ветеринария назорати бўйича тадбирлар ўтказиш, шунингдек давлат назорати остидаги товарларни экспорт, импорт ҳамда транзит ўтказиш учун рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни бериш тартиби, давлат ветеринария назоратини ўтказувчи ваколатли органлар вазифалари баён этилган.

Қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда аҳоли учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

ВЕТЕРИНАРИЯ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 апрелдаги “Давлат ветеринария назорати соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 148-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 912-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 571-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 532-сон қарори

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

ветеринария — ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, ҳайвонлар касалликлари пайдо бўлишининг, тарқалишининг олдини олишни ва уларни тугатишни, аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилишни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилишни таъминлашга, ҳайвонларга ветеринария хизмати кўрсатилишини амалга оширишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ветеринар осойишталигини, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий ва амалий фаолият соҳаси;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари — ветеринария соҳасидаги талабларни белгиловчи, давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар риоя этиши шарт бўлган ҳужжатлар;

ветеринария дори воситалари — келиб чиқиши табиий ва синтетик бўлган дори моддаларидан (субстанциялардан) ёки дори моддаларининг (субстанцияларнинг) аралашмасидан олинган, ҳайвонлар касалликлари профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек ҳайвонлар организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун мўлжалланган воситалар;

ветеринар осойишталик — ҳайвонларнинг соғлиғига салбий омилларнинг зарарли таъсирлари, эпизоотия мавжуд бўлмаган, шунингдек ҳайвонларнинг яшаши учун қулай шарт-шароитлар таъминланадиган ҳолат;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар — ҳайвонлар, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом

ашё, ветеринария дори воситалари, микроорганизмлар штаммлари, озуқалар ва озуқабоп қўшимчалар, ветеринария техника воситалари, шунингдек бозорларда реализация қилинадиган ўсимлик озиқ-овқат маҳсулотлари;

ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари — ветеринария соҳасидаги талабларни белгиловчи, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар риоя этиши шарт бўлган ҳужжатлар;

ветеринария, ветеринария-санитария талаблари — давлат ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари қўзғатувчиларининг кириб келишидан ва ветеринария-санитария жиҳатдан хавфли саналган назоратдаги товарларнинг келтирилишидан ҳимоялашга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий ҳисобланган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан импорт қилинувчи назоратдаги товарларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги — озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мослиги;

ветеринария сертификати — Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария хизмати томонидан барча турдаги назоратдаги товарларга бериладиган ҳайвонларнинг ўта хавфли ва карантин касалликлари бўйича соғлом ҳудудданлигини ҳамда ҳайвонотга мансуб хомашё ва маҳсулотлар ветеринария-санитария экспертизасидан ўтганлигини, ветеринария-санитария талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган, назоратдаги товарларни ишлаб чиқарган мамлакатнинг давлат ветеринария врачлари томонидан белгиланган намунада бериладиган халқаро ҳужжат.



Ветеринария органлари томонидан ўтказиладиган назорат тадбирлари

- Соғлом турмуш кечиришга;
- Ҳайвонот оламини турли юқумли касалликлардан ҳимоя қилишга;
- Ветеринария соҳасини такомиллаштириш ва назорат қилишга;
- Озиқ-овқат маҳсулотларини зарарланишдан профилактика қилишга қаратилган.



Давлат ветеринария назорати объектларига нималар киради?

- ҳайвонлар, уларнинг жинсий ва соматик ҳужайралари;
- ҳайвонларнинг юқумли касалликларини қўзғатувчилар;
- келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашё, бозорларда реализация қилинадиган ўсимлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ветеринария дори ва техника воситалари, озуқалар ва озуқабоп қўшимчалар, патологик материал, биологик чиқиндилар, шунингдек сув, ҳаво ва тупроқ намуналари;
- ҳайвонларнинг юқумли касалликларини қўзғатувчиларни юқтириш омиллари бўлиши мумкин бўлган транспорт воситалари, идишлар, жойлаш-ўраш материаллари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ветеринария соҳасидаги фаолияти;
- давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни етиштирадиган, тайёрлайдиган, ишлаб

чиқарадиган, сақлайдиган, қайта ишлайдиган, ташийдиган, реализация қиладиган ёки улардан фойдаланадиган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудлари ҳамда ишлаб чиқариш бинолари;

➤ ҳайвонлар ҳайдаб ўтиладиган йўллар, йўналишлар, биотермик ўралар, ҳайвонот қабристонлари, ҳайвонлар боқиладиган яйловларнинг ва суғориладиган жойларнинг ҳудудлари;

➤ ветеринария ҳисоби ва ҳисоботи бўйича ҳужжатлар;

➤ ветеринария далолатномалари, лицензиялари, рухсатномалари, маълумотномалари, гувоҳномалари ва сертификатлари;

➤ давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш (сўйиш), сақлаш ва қайта ишлашга доир норматив-техник ҳужжатлар.



Давлат ветеринария хизмати қайси ташкилотлардан иборат?

- ✔ Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси;
- ✔ Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси;
- ✔ вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари;
- ✔ Давлат чегарасидаги ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси;
- ✔ туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари;
- ✔ лабораториялар;
- ✔ Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази;
- ✔ Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий маркази;
- ✔ Ветеринария илмий-тадқиқот институти;

- ✔ Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, унинг академик лицейи;
- ✔ ветеринария участкалари;
- ✔ бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари;
- ✔ чегара ва транспортдаги ветеринария пунктларидан (ЧТВП)(участкаларидан) ҳамда бошқа муассасалардан иборат.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария хизмати
назорати остидаги товарлар
рўйхати**



Назоратдаги товарларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда уларнинг экспорт-импорти билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, давлат ветеринария хизмати назоратида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган назоратдаги товарлар ЧТВПда давлат ветеринария назоратидан ўтказилиши шарт.

ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси

- ✚ давлат ветеринария назоратини амалга оширади;
- ✚ давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишига ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилишига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига белгиланган тартибда рухсатнома беради.

***ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун
ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори
воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва
муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга
ошириш соҳасида:***

- ✔ ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишида давлат назоратини амалга оширади;
- ✔ республика ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликларини қўзғатувчилари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш, шунингдек, ҳайвонлар, ушбу соҳага мансуб маҳсулот ва хом ашё, ветеринария дори воситалари, озуқалар ва озуқабоп қўшимчаларни тайёрлаш, олиб ўтиш (ташиш), экспорт ва импорт қилиш бўйича давлат ветеринария назоратини амалга оширади;
- ✔ давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзити учун

расмийлаштириладиган ветеринария ҳужжатлари берилишини назорат қилади;

✔ маҳсулотлар ва хом ашёларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши бўйича давлат ветеринария назоратини олиб боради;

✔ хусусий ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда лицензия беради, шунингдек лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат ветеринария назоратини амалга оширади;

✔ давлат ва идоравий ветеринария хизматлари, ички ишлар органларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларининг ветеринария соҳасига оид фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

✔ ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши ва тайёрланишини ўрганади ва назорат қилади;

✔ ветеринария дори воситаларини ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ҳамда муомаласи юзасидан назоратни амалга оширади;

✔ наслчилик корхоналари ва хўжаликлари томонидан етказиб бериладиган наслдор ҳайвонларнинг сифат (насл) кўрсаткичлари тўғри аниқланганлиги юзасидан назоратни амалга оширади;

✔ наслдор ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонлар ва уларнинг уруғлари экспорт ва импорт қилинишини назорат қилади;

✔ чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги ҳисоботларнинг юритилишини назорат қилади;

✔ мулкчилик шаклидан қатъи назар наслчилик ишлари билан шуғулланувчи чорвачилик субъектлари фаолиятини назорат қилади;

✔ чорва ҳайвонларининг зоти бўйича районлаштирилишини назорат қилади;

✔ наслчилик хўжаликларидаги наслдор чорва ҳайвонларининг ҳисобини рўйхатдан ўтказилишини ҳамда селекция жараёнида фойдаланадиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва тури бўйича сифатли баҳоланишини назорат қилади;

✔ наслчилик билан шуғулланувчи чорвачилик хўжаликларига ер майдонлари ажратилишини ва улардан самарали фойдаланилишини ҳамда корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган омукта ем, шелуха, шрот маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини назорат қилади;

✔ насли маҳсулотларни (материал) ишлаб чиқарилишини ва унинг технологик жараёнлари ташкил этилишини назорат қилади;

✔ чорвачилик йўналишидаги асосий устувор вазифалар ва ишлаб чиқилган дастурларнинг жойлардаги ижроси тизимли равишда ташкил этилишини назорат қилади.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 532-сон қарори

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ НАЗОРАТИ ОСТИДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ, ИМПОРТИ ВА ТРАНЗИТИ УЧУН РУХСАТНОМАНИ ҲАМДА ВЕТЕРИНАРИЯ СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШДА НАЗОРАТ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария хизмати
назорати остидаги товарлар
рўйхати



Буни билиш муҳим

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган **юридик ва жисмоний шахслар** ветеринария, ветеринария-санитария талаблари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун масъул ҳисобланади.

Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни импорт ва экспорт қилиш ваколатли орган томонидан бериладиган ветеринария фаолиятининг тегишли йўналишлари бўйича лицензия мавжуд бўлганда ва улар давлат рўйхатига олинган тақдирда амалга оширилади.

Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни импорт ва экспорт қилишда уларни ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан бериладиган сифати ва зарарсизлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда, ветеринария сертификати расмийлаштирилади.

Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва транзит қилишда давлат ветеринария назоратининг қуйидаги турлари қўлланилади:



ҳужжатли



**жисмоний
(товарни кўрган
ҳолда)**



лаборатория



Давлат ветеринария назорати турларининг натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими томонидан назоратдаги товарларга нисбатан ветеринария ҳужжатларига ёки назоратдаги товарларнинг бошқа ҳужжатларига (сабабларини кўрсатган ҳолда) **ўтказиш, ўтказишни тўхтатиб туриш, импортни тақиқлаш** ёки **қайтариш** белгиларидан бири қайд этилади.



Қандай турдаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилади?



давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишга бериладиган рухсатнома;



давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга бериладиган рухсатнома;



давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга бериладиган рухсатнома;



давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг экспорт қилишга ветеринария сертификати;















давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга ветеринария сертификати.

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ НАЗОРАТИ ОСТИДАГИ ТОВАРЛАРНИ ЭКСПОРТ, ИМПОРТ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИ ОРҚАЛИ ТРАНЗИТ ҚИЛИШГА **РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА** **ЭГА ҲУЖЖАТЛАР БЕРИШ**



Рухсатнома олиш учун аризада нималар бўлиши зарур?

-  товарлар эгасининг номи (жисмоний шахслар учун — Ф.И.О., ЖШ ШИР), жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами, СТИР (юрлик шахслар учун);
-  назоратдаги товарларнинг келиб чиқиш жойи (манзили, штат, провинция);
-  импорт қилувчи мамлакат;
-  назоратдаги товарларнинг номи ва ТИФ ТН бўйича коди;
-  назоратдаги товарларнинг миқдори, шунингдек, унинг қадоқ шакли ва ўлчов бирлиги;
-  ишлаб чиқарувчининг номи;
-  маршрут йўналиши (МДҲ давлатлари орқали ўтиш чегаралари номлари кўрсатилади);
-  давлат чегарасидан ўтиш пунктлари номи;
-  ишлаб чиқарувчилар реестридаги рўйхатга олиш рақами (импорт учун);
-  Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган назоратдаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига киритилган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларнинг (хорижий экспорт қилувчиларнинг) рақами ва санаси
-  транспорт тури (импорт учун);
-  импорт қилиш мақсадлари (қайта ишламасдан сотиш, қайта ишлаш, қайта ишлашдан олинандиган маҳсулот кўрсатилган ҳолда ва ҳ.к.);

назоратдаги товарни импорт қилишнинг тахминий муддати;
сақлаш ва карантин (ҳайвонлар учун) қилиш жойлари;
назоратдаги товарни қайта ишловчи корхонанинг номи
(мавжуд бўлганда).

Кимлар ариза берувчилар тоифасига киради?

Юридик шахс

Якка тартибдаги
тадбиркор

Ваколатли органлар

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга ваколатли орган томонидан бериладиган **рухсатномалар** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга бериладиган **ветеринария сертификати** — Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасининг чегара ва транспортдаги ветеринария пункти (участкаси).

Буни билиш муҳим

Аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.
Ариза наъмунаси 1-иловада



Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун қанча миқдорда йиғим ундирилади?

✔ давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишга рухсатнома учун-**йиғим ундирилмайди**;

!! давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишга ветеринария сертификати учун — кўрсатилган пуллик иш ва хизматлар учун ҳақ ундирилади;

!! давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга рухсатнома учун-базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 баравари миқдорида йиғим ундирилади***;

Маълумот учун

Бунда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда ушбу йиғимнинг 50 фоизи ундирилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно);

Йиғим тўланганлиги ваколатли орган томонидан ахборот тизими орқали электрон шаклда текширилади;

!! давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга ветеринария сертификати учун — кўрсатилган пуллик иш ва хизматлар учун ҳақ ундирилади;

✔ давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатнома учун — **йиғим ундирилмайди**.






Ариза қанча муддатда кўриб чиқилади?

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишга рухсатнома	→	2 иш куни
7 иш куни, 4 соат	←	давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишга ветеринария сертификати


давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга рухсатнома	→	18 иш куни
4 иш куни, 4 соат	←	давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга ветеринария сертификати
давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатнома	→	30 кун муддат

Рухсат беришга оид талаб ва шартлар нималардан иборат?

-  Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилиш;
-  Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан тасдиқланган ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя қилиш;
-  Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти, импорти ва транзити учун рухсатнома ҳамда ветеринария сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг рухсат беришга доир талаб ва шартларига риоя қилиш.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати қанча?

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишга рухсатнома — рухсатнома берилган календарь йилнинг 31 декабрь кунига қадар *(31 декабрь ҳам қўшиб ҳисобланади)*;

 давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишга ветеринария сертификати — тайинланган охириги манзилга етиб боргунга қадар;



давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга рухсатнома — рухсатнома берилган календарь йилнинг 31 декабрь кунига қадар *(31 декабрь ҳам қўшиб ҳисобланади)*;



давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга ветеринария 1 сертификати — тайинланган охириги манзилга етиб боргунга қадар;



давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатнома — рухсатнома берилган календарь йилнинг 31 декабрь кунига қадар *(31 декабрь ҳам қўшиб ҳисобланади)*.

НАЗОРАТДАГИ ТОВАРЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ҚЎЛ ВА БАГАЖ ЮКЛАРИ, ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИБ КИРИШДА ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига назоратдаги товарларнинг жисмоний шахсларнинг қўл ва багаж юклари, шунингдек, почта жўнатмалари орқали олиб киришда давлат ветеринария назоратини амалга ошириш

- ✓ **Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидаги ЧТВП,**
- ✓ **ҳалқаро почта алмашинув жойларида**

товарларни қўл ва багаж юки, почта жўнатмалари орқали жисмоний шахсларнинг шахсий фойдаланиши мақсадида тегишли рухсатномасиз назоратдаги товарни жўнатувчи мамлакатнинг ветеринария сертификатисиз киритилишига йўл қўймаслик бўйича ишларни ташкил этади.

Маълумот учун

Битта жисмоний шахс учун 5 килограммгача бўлган, завод ўрамларидаги, ҳайвонотга мансуб маҳсулот бундан мустасно.

Жўнатилган мамлакатга қайтариб юбориш имкони бўлмаган назоратдаги товарлар белгиланган тартибда йўқ қилинади (зарарсизлантирилади).



Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 апрелдаги “Давлат ветеринария назорати соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 148-сон қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ЎТКАЗИШ ПУНКТЛАРИДА ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИШ




Ветеринария назорати нима?

Ветеринария назорати — одамлар ва ҳайвонлар ҳаёти ҳамда саломатлигини ҳимоя қилиш, ҳайвонлар касалликлари қўзғатувчиларининг ташувчилари бўлиши мумкин бўлган предметлар ва товарларни, шунингдек, “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган давлат ветеринария назорати объектларини назорат қилиш мақсадида ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилишни таъминлаш учун чегара назорати ветеринария пунктлари томонидан (кейинги ўринларда давлат ветеринария назорати пунктлари деб аталади) ҳайвонлар ҳамда улардан олинadиган маҳсулотларга нисбатан амалга ошириладиган комплекс тадбирлар.

Буни билиш муҳим

Давлат чегараси орқали ўтадиган **барча шахслар, транспорт воситалари ва товарлар** чегара, божхона, санитария-карантин, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ **фитосанитария ва ветеринария назоратига тегишли бўлса, фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтказилади.**



Бунда агар мазкур товарлар ва транспорт воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ фитосанитария ва ветеринария назоратига тегишли бўлмаса, уларни фитосанитария ва (ёки) ветеринария назоратидан ўтказилмайди.



Давлат чегарасидан ўтказиладиган ва давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарлар давлат ветеринария назоратидан ўтказилиши шарт.

Эпизоотик жиҳатдан осойишта бўлган бошқа давлатлардан давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ҳамда нормаларига риоя этилган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ташишга рухсат этилади.

Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарлар **давлат ветеринария хизмати** томонидан назоратдан ўтказилади.



Давлат ветеринария хизмати ўтказиш пунктида фаолият юритишда қандай ҳуқуқларга эга?

✔ ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

✔ Давлат чегарасини кесиб ўтадиган жисмоний ва юридик шахслардан ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бажаришни талаб қилиш;

✔ одамлар ва ҳайвонлар ҳаёти ҳамда саломатлигини, шунингдек, "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган давлат ветеринария назорати объектларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳайвонлар ҳамда улардан олинadиган маҳсулотлар, ҳайвонлар касалликларининг ташувчилари бўлиши мумкин бўлган предметлар ва товарларни халқаро ташишда амалдаги қонунчилик талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

✔ Ўзбекистон Республикасининг ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган юклар, транспорт воситаларини Давлат чегарасидан ўтказишни рад этиш.



Давлат ветеринария хизмати назорати пункти ўтказиш пунктида хизмат фаолиятини амалга оширишда нималарга мажбур?

! Давлат чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳайвонларда ёки улар орасида юқумли касалликлар аниқланганда ёки гумон қилинганда касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш;

! ветеринария препаратлари ва дезинфекция воситалари, ускуналари ва предметларининг, шунингдек, бошқа моддий-техник ресурсларнинг зарур захирасини белгиланган тартибда ташкил қилиш;

! ўтказиш пунктлари орқали олиб ўтиладиган ва давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларнинг ветеринария кузатув ҳужжатларини расмийлаштириш;

! ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар ва хом ашёни, ветеринария дори воситалари, микроорганизмлар штамплари, озуқа ва озуқа қўшимчалари, ветеринария техника воситалари ва давлат ветеринария хизмати назоратидаги бошқа товарларни мулкчилик шаклларида қатъий назар чегара пунктлари орқали импорт, транзит ташишда транспорт воситаларига ишлов берилишини таъминлаш.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 912-сон қарори

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси

*Товарлар эгасининг номи (жисмоний
шахслар учун — Ф.И.О., ЖШ ШИР),
жойлашган жойи (почта манзили),
телефон рақами, СТИР (юридик
шахслар учун)*

АРИЗА

*(Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт
қилишга бериладиган рухсатнома;
давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт
қилишга бериладиган рухсатнома;
давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни Ўзбекистон
Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга бериладиган рухсатнома
олиш юзасидан)*

Товар ҳақида маълумот:

экспорт қилишга бериладиган рухсатнома учун: назоратдаги товарларнинг келиб чиқиш жойи (манзили); импорт қилувчи мамлакат; назоратдаги товарларнинг номи ва ТИФ ТН бўйича коди; назоратдаги товарларнинг миқдори, шунингдек, унинг қадоқ шакли ва ўлчов бирлиги; ишлаб чиқарувчининг номи; транспорт тури; маршрут йўналиши (МДҲ давлатлари орқали ўтиш чегаралари номлари кўрсатилади); давлат чегарасидан ўтиш пунктлари номи;

импорт қилишга бериладиган рухсатнома учун: экспорт қилувчи мамлакат; назоратдаги товарларнинг келиб чиқиш жойи (манзили, штат, провинция); ишлаб чиқарувчининг номи, ишлаб чиқарувчилар реестридаги рўйхатга олиш рақами; Ўзбекистон

Республикаси ҳудудига олиб кириладиган назоратдаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига киритилган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларнинг (хорижий экспорт қилувчиларнинг) рақами ва санаси*; назоратдаги товарнинг номи ва ТИФ ТН бўйича коди; назоратдаги товарнинг миқдори, шунингдек, унинг қадоқ шакли ва ўлчов бирлиги; импорт қилиш мақсадлари (қайта ишламасдан сотиш, қайта ишлаш, қайта ишлашдан олинадиган маҳсулот кўрсатилган ҳолда ва ҳ.к.); транспорт турлари; маршрут йўналиши (МДХ давлатлари орқали ўтиш чегаралари номлари кўрсатилади); давлат чегарасидан ўтиш пунктлари; назоратдаги товарни импорт қилишнинг тахминий муддати; сақлаш ва карантин (ҳайвонлар учун) қилиш жойлари; назоратдаги товарни қайта ишловчи корхонанинг номи (мавжуд бўлганда);

транзит қилишга бериладиган рухсатнома учун: жўнатувчи ва олувчининг номи; маршрут йўналиши; транспорт тури; назоратдаги товарлар номи; товарларнинг келиб чиқиши ва миқдори.

Юқоридагиларга кўра, ушбу давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товар(лар)га *рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи* беришингизни сўрайман.

Илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. ...
2.

Ариза берувчи

имзо

сана

Давлат чегараси ва транспортдаги
давлат ветеринария назорати
бошқармасининг чегара ва
транспортдаги ветеринария пункти
(участкаси)

*товарлар эгасининг номи (жисмоний
шахслар учун — ЖШ ШИР),
жойлашган жойи (почта манзили),
телефон рақами, СТИР (юридик
шахслар учун)*

АРИЗА

*(давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг экспорт
қилишга ветеринария сертификати;
давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт
қилишга ветеринария сертификати олиш юзасидан)*

Товар ҳақида маълумот:

экспорт қилишга ветеринария сертификати учун: импорт қилувчи мамлакат; назоратдаги товарларнинг миқдори, шунингдек, унинг қадоқ шакли ва ўлчов бирлиги; ишлаб чиқарувчининг номи; транзит қилинадиган давлатнинг номи; давлат чегарасидан ўтиш пунктлари номи;

импорт қилишга ветеринария сертификати учун: ваколатли органнинг рухсатномаси рақами ва санаси; назоратдаги товарларнинг келиб чиқиш жойи (манзили, штат, провинция); юборган давлат; назоратдаги товарларнинг номи ва ТИФ ТН бўйича коди; назоратдаги товарларнинг миқдори, шунингдек, унинг қадоқ шакли ва ўлчов бирлиги; товарларнинг ишлатилиши мақсади; ишлаб чиқарувчининг номи; транспорт тури ва давлат рақами; олиб кирилган назоратдаги товарлар келиб тушган жой.

Юқоридагиларга кўра, ушбу давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товар(лар)га *рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг номи* беришингизни сўрайман.

Илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Экспорт қилувчи томонидан юборилган ва тасдиқланган импорт қилувчи мамлакат давлат ветеринария хизматининг ветеринария сертификатлари нусхалари;

2. Экспорт қилувчи мамлакатнинг миллий қонунчилигида давлат ветеринария хизмати томонидан назоратдаги товарларга ветеринария сертификати расмийлаштириш белгиланмаган тақдирда, маҳсулот келиб чиқиши тўғрисидаги ёки сифати тўғрисидаги сертификатлар нусхалари;

3.

Ариза берувчи

имзо

сана

Ветеринария сертификатларига ҳаволалар

		
Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган тирик ҳайвон ва инкубацион тухумлар учун	Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган овоцитлар, эмбрионлар ва уруғлар учун	Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган ҳайвонотга оид маҳсулотлар учун
		
Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган асалари ва уяли ҳужайралардаги асалари тухумлари ва личинкалари учун	Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган ҳайвонлар озуқаси ва озуқа қўшимчалари учун	

**Ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланётган
автотранспорт воситаларининг назорат тартиб-
таомилларидан ўтказилганлигини назорат қилишда
фойдаланиладиган “Ягона қайд варақаси”нинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Автотранспорт воситаси маркаси: _____

Давлат рақами: _____

<p>1. САНИТАРИЯ-КАРАНТИН НАЗОРАТИ</p> <p>Сана: 20__ йил «__» _____</p> <p>Назорат бошланган вақт: ____ : ____</p> <p>Назорат якунланган вақт: ____ : ____</p> <p>Хизмат белгиси: мухр, имзо</p>	<p>2. ЧЕГАРА НАЗОРАТИ</p> <p>Сана: 20__ йил «__» _____</p> <p>Назорат бошланган вақт: ____ : ____</p> <p>Назорат якунланган вақт: ____ : ____</p> <p>Хизмат белгиси: мухр, имзо</p>
<p>3. БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ</p> <p>Сана: 20__ йил «__» _____</p> <p>Назорат бошланган вақт: ____ : ____</p> <p>Назорат якунланган вақт: ____ : ____</p> <p>Хизмат белгиси: мухр, имзо</p>	<p>4. БОЖХОНА КЎЗДАН КЕЧИРУВИ</p> <p>Сана: 20__ йил «__» _____</p> <p>Назорат бошланган вақт: ____ : ____</p> <p>Назорат якунланган вақт: ____ : ____</p> <p>Хизмат белгиси: мухр, имзо</p>
<p>5. ФИТОСАНИТАРИЯ НАЗОРАТИ</p> <p>Сана: 20__ йил «__» _____</p> <p>Назорат бошланган вақт: ____ : ____</p> <p>Назорат якунланган вақт: ____ : ____</p> <p>Хизмат белгиси: мухр, имзо</p>	<p>6. ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТИ</p> <p>Сана: 20__ йил «__» _____</p> <p>Назорат бошланган вақт: ____ : ____</p> <p>Назорат якунланган вақт: ____ : ____</p> <p>Хизмат белгиси: мухр, имзо</p>